(Давоми. Боши 1-бетда).

Хусусан, пойтахтимиздаги “Манвик” хусусий фирмаси 826 миллион, “Нум қурилиш савдо” хусусий фирмаси 561 миллион ва “Таъминот Савдо Сервис” фирмаси 697,4 миллион сўмлик харидоргир маҳсулотларини нақд пулга сотган. Лекин олинган 2 миллиард сўмлик тушум банкка топширилмаган—инкасса қилинмаган. Оқибатда ана шу маблағлардан давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган даромад солиғи ва бошқа мажбурий тўловлар тўланмаган. Бу атиги учта фирма фаолиятидан бир мисол, холос.

# Тафаккур ва тадбиркорлик

Энди мамлакатимизда 201,9 мингта кичик ва ўрта бизнес субъекти мавжудлигини инобатга олсак ва уларнинг, дейлик, 180 мингтаси фаолият кўрсатади, деб фараз қилинган тақдирда, уларнинг ҳар бири кунига ўртача 100 минг сўмлик тушумни банкка топширмаса, қанча маблағ “сув қилиниши”ни тасаввур этасизми? Нақд 18 миллиард сўм. Бу бир кунда! Энди тасаввур қилинг: бир йилда 300 иш куни бор, деб фараз қилайлик, бу маблағ миқдори 5,4 триллион сўмни ташкил этади. Бу фақат кичик ва ўрта бизнесга оид гаплар. Ҳолбуки, яна қанчадан-қанча йирик савдо ташкилотлари ва корхоналар бор.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шу йил 6 августда “Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини қабул қилди. Дунёда ҳар қандай фаолиятнинг ўз қоидаси бўлгани сингари ҳар қандай иқтисодий фаолиятнинг ҳам ўз қонун-қоидалари бор. Улар давлат қонунлари ва ҳукумат қарорлари билан белгиланади ва тартибга солинади. Буни тўғри тушуниш ва одатий ҳол деб қабул қилиш лозим. Чунки ҳукуматимизнинг мазкур қарорида кўзда тутилган ҳолатлар барча ривожланган давлатларда одатий қоида ҳисобланади.

Лекин мазкур қарор эълон қилингач, билдирилган баъзи мулоҳаза ва таклифлар, ғалати миш-мишлар кишини ҳайрон қолдиради. Эмишки, қарор бизнесменларни қийнаб, тадбиркорликни чеклаб қўйганмиш. Аслида, агар савдо нуқталари эгалари кунлик тушумни тўлиқ банкка топширса ва зарур маблағни керак бўлганида ундан олса, бунинг тадбиркор учун нимаси ёмон?

Бизнингча, бу ерда ҳеч қандай муаммо йўқ. Биринчидан, тадбиркорнинг пули олдингидек уйида эмас, балки банкда сақланади, асосий фарқи ана шунда. Иккинчидан, банк бу маблағдан ҳеч қандай фоиз ёки бошқа харажатлар кўринишида чегириб қолмайди, тадбиркор қанча маблағ топширган бўлса, ўшанча маблағ олиши мумкин.

Қонунга итоат этувчи, ҳалол тадбиркор учун бунда ҳеч бир муаммо йўқ. Бозор иқтисодиётига ўтган маданиятли давлатларда савдо-сотиқнинг тан олинган қоидасига кўра, барча тушумлар назорат касса машинаси орқали ҳисоб-китоб қилинади ва банкка топширилиб, керакли маблағ яна банкдан олинади. Бу ерда тадбиркорларга бошқа ортиқча тазйиқ ҳам, ташвиш ҳам йўқ.

Бу миш-мишларни тарқатаётганларнинг асл нияти бошқача! Улар даромадини яшириб, белгиланган солиқни тўламоқчи эмас.

Бундай пайтларда, истайсизми-йўқми, машҳур нақл ёдга тушади: “Инсоф сари — барака!” Ахир, айтинг, кунига бир фаолият туридан тахминан 18 миллиард сўмлик тушум банкка топширилмаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Иқтисодчи сифатида тушунаман — шахсий манфаат — иқтисодий тараққиёт локомотиви. Лекин 100 минг сўмлик ялпи даромаддан атиги 5-10 минг сўмини банкка инкасса қилиш — бу шахсий масала эмас, ғирт ноинсофликдир. Бундай “тадбиркорлар” учун энг муҳими, фақат ўзи бўлса, бойиса бас! Ватан, халқ, миллат ва давлат равнақи уларни деярли қизиқтирмайди.

Назаримизда, бу “тадбиркорлар”да иқтисодий худбинлик ва эгоизм кучли ва миллий ғурур, ифтихор туйғуси бегона.

Ўзингиз мулоҳаза қилинг: давлат, жамият асоси фуқаролардан ташкил топса, биз, фуқаролар ўз давлатимиз, ўз жамиятимизга шундай муносабатда бўлсак, айтинг, давлатимиз қаердан бойийди ва қандай ривожланади? Эл-юртимиз тинчлиги, фаровонлиги қандай таъминланади?

Бизнинг тинч ва осойишта ҳаётимиз кафолати бўлган давлатга, унинг хазинасига нисбатан муносабат шу бўлса, у қандай бойисин, қандай қилиб бизни ижтимоий ҳимоя қилсин?

Мустақиллик шарофати билан, «Давлат — бош ислоҳотчи» тамойили асосида тадбиркорликка кенг йўл очиб берилди, унинг қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий асослари барпо этилди. Жамиятимизда тадбиркорлар синфи шаклланди, шуниси эътиборлики, шу иқтисодий вазиятни барпо этган давлат, фуқароларга тадбиркорлик йўли билан фойда олишга, истаганча бойишга шароит яратди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, давлатни тадбиркорларнинг бизнес ҳамкори, дейиш мумкин. Лекин биз эса давлатни, яъни ишончли ҳамкоримизни чалғитмоқчи бўляпмиз. Шу инсофданми?

Ахир, бизнеснинг ёзилган ва ёзилмаган қоидалари мавжуд-ку? Шундай қоидалардан бири — ҳамкорингни ранжитиб, ҳеч қачон бой бўлолмайсан, бўлган тақдирингда ҳам, бойлигинг яхши кунингга ярамайди, деган нақл бор. Бу — ҳаёт синовидан ўтган нақл.

Агар бирор хавф пайдо бўлса, кўпчилигимиз дарров: “Давлат қани, ҳукумат қаерга қараяпти?” қабилидаги гапларга эрк берамиз. Аслида ҳам шундай — давлатга суянамиз. Лекин давлат билан солиқ орқали ҳисоб-китоб қилишга келганда, ўзимизни билиб-билмасликка оламиз. Худбинлигимиз устунлик қилади.

Фаровон турмуш, юксак тараққий этган ҳаёт ҳақида гап кетса, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Франция каби давлатларни мисол сифатида келтиришга устамиз. Лекин бундай тўкис ҳаётга неча йилда эришилди ва бу фаровон ҳаёт кимлар томонидан барпо қилингани ҳақида ўйлаймизми?

Кўпчилигимизнинг хаёлимизда бундай яхши ҳаёт ўз-ўзидан, қисқа вақт ичида яратилгандек туюлади. Лекин бугунги Америка турмуш тарзини яратишга 300 йилдан ортиқ вақт кетганини биламизми? Ёки ўша давлатлардаги тўкис ҳаётни америкалик, англиялик фуқаролар қурганлигини нега тан олгимиз келмайди. Биз ҳам юртимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантирмоқчимиз, фаровон ҳаётни барпо этмоқчимиз. Бундай ҳаётни Сиз, биз, ўзимиз барпо этмасак, кимдир келиб қуриб берадими?

Жамият аъзолари ҳамиша давлатга суянгани сингари давлат ҳам ўз фуқароларининг қўллаб-қувватлашига, кўмагига таяниб фаолият юритади. Мавжуд қонун ва қоидаларга сўзсиз итоат этиш эса бизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Яна бир мулоҳаза. Шарқда кўп болали оилалар жамиятнинг асосий хусусияти ҳисобланади. Агар барча фарзандлар меҳнаткаш, ҳалол ва виждонли бўлса, бу — оиланинг, ота-онанинг бахти. Сабаби — ҳар бир ўғил-қиз ишлаб топган маошини, олган даромадини ота-онасидан яширмасдан олиб келса, ота-она оиланинг бир ойлик реал даромади қанчалигини ҳисоб-китоб қилиб, харажатларини шунга мувофиқлаштиради. Бу оилада ҳамиша тотувлик ва фаровонлик ҳукм суради.

Агар ҳар бир ўғил-қиз ўзларининг маошу даромадларини ота-онасидан яширса, бундай оилада қут-барака бўлмайди, бу ўз навбатида ака-укалар ва ота-болалар ўртасида турли низо чиқишига олиб келади.

Аслида давлат ҳам бир оила. Унинг ҳудудида яшовчи, фаолият кўрсатувчи барча фуқаролар ва корхоналар унинг аъзоларидир. Бу оиланинг ҳам ўз даромадлари ва харажатлари, ўзига хос катта-кичик муаммолари бор. Шу нуқтаи назардан қаралганда, айрим тижоратчиларимиз ўзларини оқибатсиз фарзанд сифатида тутаётгандай кўринади.

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг бюджетини шакллантиришнинг асосий манбаларидан бири — солиқ. Солиқ тўлаш юзаки қараганда фақат иқтисодий-молиявий масала бўлиб кўринса-да, аслида у стратегик сиёсий аҳамиятга моликдир. Сабаби — бюджет танқислиги, миллий пулимиз қадри, мамлакатнинг молиявий барқарорлиги кўп жиҳатдан тўлов интизомига боғлиқ.

Ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий манбаи ҳисобланган инвестиция ҳажми — аҳоли қўлидаги жамғармалар, айланма маблағлар ва бошқа молиявий ресурсларнинг банкда сақланишига боғлиқ ва ўшандагина у тараққиёт асоси бўлиб хизмат қилади.

Қолаверса, пул маблағларининг банк орқали тўғри ҳисоб-китоб қилинмаслиги оқибатида баъзи “тадбиркорлар»имиз “пинҳоний” иқтисодиёт тегирмонига сув қуяётганини ва банкда нақд пул етишмаслиги туфайли иш ҳақи ва нафақаларни ўз вақтида бериш муаммоси келиб чиқишини билармикин?

Келтирилган омиллар — макроиқтисодий мувозанат ва жамиятнинг сиёсий барқарорлиги масалаларига бевосита дахлдордир. Бу мувозанат ва барқарорлик бузилса, ўша тадбиркорнинг бизнеси ҳам, ҳатто ҳаёти ҳам хавф остида қолиши ҳеч гап эмас.

Кучли давлатни ва кучли жамиятни шу давлат фуқаролари, жумладан, тадбиркорлари қуради. Аслида давлатнинг ҳам, ҳукуматнинг ҳам, тижоратчиларнинг ҳам нияти битта — тадбиркорликка янада кенг йўл очилса, фуқаролар янада бойиса, эл-юрт гуллабяшнаса! Шунда, биз баралла ҳеч кимдан кам эмасмиз, Ўзбекистонимиз келажаги буюк давлат, деймиз фахр билан.

Ҳақиқатан ҳам шундай! Лекин бундай яхши ниятларни рўёбга чиқармоқ учун ҳар биримиз ўзимизнинг иш жойимизда шунга яраша ҳаракат қилмоғимиз керак. Шундагина Ўзбекистонимизнинг кучқудрати, халқимизнинг фаровонлиги янада ортади.

**Одил ҲАМРОЕВ,**
**иқтисод фанлари номзоди.**
**(ЎзА).**

# Яхши нав – сифатли тола гарови

## пойтахт вилояти корхоналари хомашёни қайта ишлашга киришдилар

Мамлакатимиз дунёда энг йирик пахта ҳосили етиштирувчи давлатлар қаторига кириб, Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Покистондан кейин бешинчи ўринни эгаллайди. Пахтамиз толасининг юқори сифатлилиги юртимиз табиий иқлим шароити мазкур экинни етиштириш учун ниҳоятда қулайлиги билан боғлиқдир. Масалан, етарли даражада ёруғликнинг мавжудлиги, кунларнинг узунлиги, ернинг ҳосилдорлиги, қуёш ҳароратининг юқорилиги бунинг асосий омилларидандир.

Дунё бозорида пахта толасини сотишда унга саноат нави, синфи, тури, микронейрига алоҳида аҳамият берилади. Боиси — маҳсулот харид қиладиган хориждаги корхоналар унга тўқув хусусиятига, яъни технологик ускуналарда қайта ишланишига қараб баҳо беради. Сифат кўрсаткичлари аниқланади, яъни тола узунлиги, узилиш кучи, микронейри, толадаги тугунлар ҳажми, унинг ифлослик даражаси шулар жумласидандир. Айни пайтда мамлакатимиз пахтасининг асосий харидорлари Италия, Франция, Германия, Жанубий Корея, Бангладеш, Таиланд, Индонезия, Англия, Туркия, Россия Федерацияси ва бошқа хориж давлатлари ҳисобланади. Улар “С-6524”, “Бухоро-6”, “Наманган-77”, “Хоразм-126”, “Шароф-75” ва “Армуғон” навларининг толасини кўпроқ харид қилишади. Нима учун?

Республикамизда қатор йиллардан бери катта майдонларга экиб келинаётган истиқболли, серҳосил, тола чиқиши юқори бўлган “С-6524” навининг кўрсаткичларини таҳлил қилиб кўрайлик. Бу навдан олинадиган пахта толаси, айниқса, яхши йигирувчанлик хусусиятига эга.

Тошкент вилоятида ҳам “С-6524” нави қатор йиллардан бери катта майдонларга экиб келинади. Жорий йилда шартнома режасига кўра, 280 минг тонна қимматбаҳо саноат хомашёси тайёрланиши лозим. Мутахассисларнинг фикрича, далаларда мўлжалдагидан ортиқ миқдорда «оқ олтин» етиштирилган. Эндиги асосий вазифа фидокорона меҳнат эвазига ана шу ҳосилни нестнобуд қилмасдан, ўз вақтида йиғиштириб олиш, уни жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражада қайта ишлаш ва хорижлик харидорларга етказиб беришдир.

Бу пахтани қайта ишловчи корхоналарнинг жамоалари зиммасига катта масъулият юклайди. Ўрта Чирчиқ туманидаги «Қорасув пахта тозалаш корхонаси» ҳиссадорлик жамияти хўжаликлардан жорий йилда 27 минг тонна пахтани қабул қилиб олиши керак. Ҳозир кунига 500 тоннагача пахта қабул қилиб олиниб, унинг маълум қисми қайта ишланаяпти.

— Туманимиз хўжаликларида асосан ғўзанинг “С-6524” нави парвариш қилинади, — дейди корхона раҳбари Ўразали Жўраев. — Бу нав бизга ниҳотда маъқул. Тола чиқиши яхши, кейин у харидоргир. Ўтган йилги ҳосилнинг 83 фоизи 1-2-сортларга қабул қилинди. Бу, албатття, ундан олинадиган маҳсулотнинг сифатига ҳам ижобий таъсир қилди. Жорий йилда ҳам дастлабки ҳосилнинг 100 тоннаси Бельгияга сотилди.

Корхонадаги техника воситалари ва асбоб-ускуналар янгиланиб бормоқда.Уларнинг кўпчилиги замонавий бўлиб, шу куннинг талабига тўла жавоб беради. Бу, табиийки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни юқори сифатли бўлишини таъминламоқда. Шу кунгача бу борада истеъмолчилардан бирон-бир эътироз олингани йўқ.

“Алимкент пахтани қайта ишлаш” ҳиссадорлик жамияти ҳам ўз маҳсулотларининг юқори сифатлилиги ва харидоргирлиги билан ажралиб туради. Ўтган йили хомашёнинг 80 фоизи 1-2-сортларга қабул қилингани шундан далолат беради. Бу, табиийки, пахтадан юқори даражада тола чиқиш имконини берди. Ушбу кўрсаткич режадаги 31 ўрнига 32,6 фоизни ташкил этди.

Корхона жамоаси жорий йилги мавсумга ҳам пухта тайёргарлик кўрган ҳолда киришди. Ҳозир ҳосилни қайта ишлаш қизғин давом этмоқда. Хўжаликлардан қабул қилинаётган хомашёнинг сифати ва уни қайта ишлаш жараёнида нобудгарчиликка йўл қўймасликка алоҳида эътибор бериляпти.

— Корхонамиз Оққўрғон тумани хўжаликларида етиштирилган пахтанинг бир қисмини, яъни 20220 тоннасини қайта ишлайди, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Муҳиддин Ниёзбеков. — Биздаги асбоб-ускуналар беш йил муқаддам янгиланиб, чиқимсиз ишлаш технологиясига ўтилганлиги боис натижа яққол кўзга ташланмоқда. Бунда биз ҳосилини қайта ишлаётган “С-6524” навининг ҳам самараси катта бўлмоқда, албатта. Боиси — ундан тола, чигит, ёғ, шрот ва шелуха чиқиши юқори бўлмоқда. Бу ўз навбатида иқтисодиётимизни мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

Янгийўл туманидаги «Мустақил Ўзбекистоннинг 5 йиллиги» пахта тозалаш корхонасида жорий йил ҳосилини қайта ишлаш бошлаб юборилди. Жамоада бу ишга пухта тайёргарлик кўрилганлиги, барча агрегат ва жиҳозлар шай ҳол келтирилганлиги боис иш бир маромда бормоқда. Корхона шартномага кўра, Янгийўл тумани пахтакорларидан бу йил 20 минг тоннадан ортиқ қимматбаҳо саноат хомашёсини қабул қилиб олишни режалаштирган. Дастлабки 250 тонна толани Англияга жўнатиш кўзда тутилмоқда.



**СУРАТДА:** ***«Сифат» маркази назоратчиси Сабоҳат Мавлонова ва корхона назорат-техник бўлими бошлиғи Раҳима Эшонқулова хорижга жўнатилиши мўлжалланаётган тойларни рўйхатдан ўтказишмоқда.***

**Даврон АҲМАД**
**олган сурат.**

**“Халқ сўзи” рейди**

# КОСА ТАГИДАГИ НИМ КОСА

## Ёхуд назорат касса аппаратларини ишлатмасликдан мақсад нима?

Ҳеч кимга сир эмас, ота-боболаримиз тижоратчилик ва дўкондорликни азал-азалдан савобли ҳамда масъулиятли касблардан ҳисоблашган. Шу боис бу соҳага ҳийла-найранг, ҳаром-хариш аралашишини исташмаган. Айниқса, одамларни алдаб, тарозидан ва харидор ҳақидан уриб қолишни, ўзгалар бозорини касод қилиш мақсадида нарх-навони атайлаб кўтаришни қаттиқ қоралашган. Бундай хатти-ҳаракатларни кечириб бўлмас гуноҳи азимга, янаям аниқроғи, қароқчиликка йўйишган. Ростгўй ва покдомон тожирлару дўкондорларни эса, табаррук инсонлар қаторига қўшишган. Уларни бозорларимизни обод, дастурхонимизни тўкин-сочин қилишга ҳисса қўшувчи воситачилар сифатида қадрлашган. Таассуфки, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ҳамма замонда, ҳар қандай жамиятда ҳам ўзлигини унутган, шахсий манфаатини давлат ва халқ манфаатидан устун қўйган савдо одамлари учраб турган. Айни шу гап, шубҳасиз, ҳозирги кунимизга ҳам бевосита тааллуқлидир. Яқинда Тошкент шаҳридаги савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари бўйлаб рейд ўтказиш давомида бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик...

“Халқлар дўстлиги” шоҳкўчасидаги тўққиз қаватли 16-уйнинг пастки қисмида жойлашган “Афин” кафеси кўпчиликка таниш. У хусусий тадбиркор Қудрат Боймуҳаммедовга қарашли. Жамоа ўз низомига кўра, яхна ичимликлар ва музқаймоқлар савдоси билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Лекин биз бу ерда ўн хилдан ортиқ таом ва спиртли ичимликлар ҳам бемалол сотилаётганининг гувоҳи бўлдик. Боз устига, мижозларга чек уриб берадиган касса аппарати йўқ. Демак, оқибати тушунарли: шохобча соҳиби давлатга фақат яхна ичимликлар ва музқаймоқлар савдоси ҳисобидан солиқ тўлайди. Қолганини ўз ҳамёнига уради.

Табиий савол туғилади: пойтахтнинг қоқ марказидаги кафеда рўй бераётган бундай қонунбузарликлардан ҳуқуқ-тартибот, санитария-гигиена, солиқ идоралари ходимлари бехабармилар? Агар бохабар бўлсалар, нега “афин”чилар мушугини “пишт” дейишмаяпти? Ёки хуфиёна келишувга бориб, “Сиздан угина, биздан бугина” қабилида иш тутишаяптими? Бунисини билмадик, аммо биз боғдан келсак, Қудрат Боймуҳаммедов тоғдан келганига ҳайрон қолдик. У кишининг айтишича, иссиқ овқат тайёрлаб, беш-ўн нафар хўранда ҳожатини чиқариш яширин даромад орттиришга кирмас эмиш...

Начора, “Гапни гапир уққанга, жонни жонга суққанга” деган ақидага амал қилиб, йўлимизда давом этдик. Ҳаял ўтмай, метронинг “Чилонзор”, яъни “Фарҳод” бозорига элтувчи автобуслар бекатига етиб бордик. Бекат одатдагидек йўловчилар билан тирбанд. Осмонга танга ирғитсангиз, ерга тушиши даргумон. Айниқса, бу ердаги “Хайруллаев” хусусий озиқ-овқат дўконидан, бир лаҳза бўлсин, одамларнинг қадами узилмайди, сотувчиларнинг эса қўли-қўлига тегмайди. Четда туриб, анча кузатдик. Ўнлаб мижоз турли хил маҳсулот харид қилиб чиқиб кетди. Аммо уларнинг бирортасигаям чек берилмади. Қаққайиб турган касса аппаратларидан иккитасини, лоақал номига бўлса-да, ишлатишмади. Ажабки, харидорлар ҳам таажжубланишмади.

Бу бепарволик сабабини билиш ниятида ҳозиргина чой ва макарон сотиб олган Мария Ивановна исм-шарифли ўрта яшар аёлни суҳбатга чорладик:

— Кечирасиз, сизга чек беришдими?

— Нима, қанақа чек? — у аввалига ҳайрон бўлди. Гап нимадалигини англагач, очиғига кўчди. — Йўқ, беришмади.

— Сўрасангиз бўлмасмиди?

— Бўларди-ю... — Мария Ивановна бироз иккиланиб тургач, кўнглида борини тилига чиқарди. — Очиғи, кейинги вақтларда қайси дўкончидан чек сўрасангиз, негадир, унинг афти буришади. Мен эса, метрога яқин жойда яшайман, кун-кунора шу дўкондан рўзғор маҳсулотлари сотиб оламан. Шундай экан, бир парча қоғозни деб, сотувчилар билан жанжаллашишим шартми?!.

— Гапингиз мазмунига қараганда, бу ердагилар касса аппаратидан фойдаланганини кўп-да кўрмаганга ўхшайсиз.

Мария Ивановна сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмаслик пайида бўлди. Майин жилмайиб, остона ҳатларкан, қўшимча қилди:

— Энг муҳими, тарозидан ва пулимиздан уриб қолишмаса бўлди-да...

Мулоқотимизни эшитиб турган дўкон ходими Жамшид Усмонов эса ҳушёрлик кўрсатди. Раҳбари “нозик меҳмонлар”га ҳуда-беҳуда сир бой бермасликни обдон уқтириб қўйган шекилли, биз билан гаплашгиси келмади. “Директоримизнинг исм-шарифлари Лутфилла Убаев. Ўзлари келсинлар, истаганингизча савол-жавоб қилаверасизлар”, дейишдан нарига ўтмади. Йигитнинг хавотирланиши боисини ишлатилмаётган касса аппаратларини кўздан кечирганимизда тушуниб етдик. Улардан бири, чошгоҳ бўлиб қолганига қарамай, атиги 5200 сўмлик, иккинчиси 2700 сўмлик чипта урилганини кўрсатиб турарди.

Бекатдан сал наридаги “Нодир” хусусий дўконига киргач, кўнглимиз андак таскин топди. Қаранг, ушбу шохобча бирмунча кичик ва одам нисбатан санжоб эса-да, эрталабдан буён 147 минг 500 сўмлик маҳсулот сотилибди. Буни шундоққина кираверишга ўрнатилган назорат касса аппарати кўрсаткичига қараб, осонгина билиб олдик.

Иши ўнгнинг сўзи чўнг бўлиши табиий.

— Кечагига қараганда бугун савдомиз анча юришаяпти, — деди дўкон соҳиби Нодир Ҳасанов мамнун кайфиятда. — Насиб этса, кечга қадар камида яна шунча сўмлик савдо қилишни мўлжаллаб турибмиз.

— Ишқилиб, харидорларга чек бераяпсизларми? — деймиз биз муддаога ўтиб.

— Бўлмасам-чи! — Нодир дадил жавоб қайтарди, сўнгра касса аппаратига кафт уриб, сўзида давом этди. — Мабодо, манави машинамиз тихирлик қилиб қолса ёки уни ўзимиз атай ишлатмасак, оқибати яхшиликка олиб бормайди. Кўза кунида синган маҳали нақд 450 минг сўмлик жаримани қуртдек санаб топширишимизга тўғри келади. Тушундингизми, бирордарлар?!

Албатта, тушундик: бу қўрқоқлик эмас. Билъакс, тартиб-қоидага риоя қилиш, ҳар жабҳада қонунни ўзига дастуриламал деб билиш.

Биз Юнусобод туманидаги Ҳошим Салимбеков бошчилигидаги «Оқтепа» хусусий дўкони, Мирзо Улуғбек тумани Содиқ Исҳоқов раҳбарлигидаги «Чимён» масъулияти чекланган жамияти ишидан ҳам мамнун бўлдик. — Қанийди, барча савдо аҳли шу тахлит иш тутса!» дея орзуладик.

“Фарҳод” бозори рўпарасидаги “Отахонлар чойхонаси” шаҳримизнинг энг гавжум гўшаларидан ҳисобланади. Тамаддихонаси икки бўлмадан иборат. Бу ерга етиб борганимизда, ҳар бирида ўн-ўн беш нафардан киши тушлик қилаётганди. Таассуфки, чойхона ходимлари мижозларига эрта тонгдан таом тайёрлашни, харажатларию хизматларига яраша ҳақ олишни қойиллатишибди-ю, бироқ энг осон ишни — чек уришни негадир “унутишибди”. Акс ҳолда, пешин маҳалида иккинчи бўлмадаги касса аппарати бор-йўғи 715 сўмни кўрсатиб турмаган бўларди, албатта. Бунданам ажабланарлиси, биринчи бўлма паттачиси тушум пулларини кассага умуман кирим қилмабди. Демак, бирор кишига ҳам чек бермаган. Шунданми, суҳбат чоғи ўзини қаерга қўярини билмай анча талмовсиради. Дўппи тор кела бошлагач, тажрибадан ўтган усулни қўллади: зинғиллаганча ичкарига кириб кетди-ю, кўз очиб-юмгулик дақиқа ичида кекса ёшли отахонни бошлаб чиқди. Ўзини Собит Асадов деб таништирган мезбон чойхонанинг “хўжайини” экан. У қандай бўлмасин, вазиятни юмшатишга интилди.

— Энди ўзларингдан қолар гап йўқ, укалар, — деди эски қадрдонлардек қўлини елкамизга ташлаб, — иш бор жойда камчилик ҳам бўлади. Хатомизни тан оламиз. Болалар озгина ёшлик қилиб қўйишибди-да...

Тавба, бу “болалар” нега шунақа? Нега фақат “хўжайин”нинг фойдасига “ёшлик” қилишади? Умуман олганда, эгриқўл дўкончилару паттачилар нима учун ҳар доим бирёқлама “хато”га йўл қўйишади? Нима учун ўзларининг эмас, нуқул мижозлару давлат зарарига “адашиб” кетишади?

Шуларни ўйлаб, Собит акага маънодор боқамиз. У фикримизни уқиб олгандек бўлади-ю, мавзуни бошқа ўзанга буради:

— Режани бажараяпмиз... Солиқларни кечиктирмай тўлаяпмиз... Яна...

— Буниси яхши, — деймиз унинг гапини бўлиб, — бироқ тушум пулларини мунтазам равишда кассага кирим қилиб бориш, хўрандаларга чек бериш ҳам сизларнинг бурчингизга киради-ку? Амалда нега тескариси?

— Ҳайронман, чек урмасликнинг нимаси яширин даромад орттириш ҳисобланади? — отахон ўзини соддаликка солиб, елка қисди.

Ишбилармонликда суяги қотган одамнинг бу гапидан сўнг ортиқча баҳслашишни ўзимизга эп кўрмадик. Ҳафсаламиз пир бўлиб, “Эски жўва” бозори томон йўл олдик.

Мана, шу бозорнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишга мўлжалланган растадари биқинидаги ошхонадамиз. У бозор қошидаги тайёрлов-савдо идораси тасарруфида экан. Шунга қарамай, касса аппарати хўжакўрсинга қўйиб қўйилган. Бундай дейишимизнинг сабаби шуки, ошхона хўрандалар билан тўлиб-тошган бўлса-да, биронта чек урилмабди. Бундан емакхона “шеф”и Аҳмадхўжа Саидхўжаев қаттиқ хижолат чекса керак, деб ўйловдик. Қайда дейсиз, аксинча бўлди. У “Бизга аслида касса аппаратининг зарурати йўқ. Чунки тушум пулларини, барибир, тайёрлов-савдо идорасига топширамиз. Ҳисоб-китоб ишларини улар юритишади”, дея қўли остидагиларни оқлашга зўр берди.

Бозор ҳудудида фаолият кўрсатаётган “Аср” кафеси ва Фурқат Байдуллаев бошлиқ ошхонадаги қонунбузарликлар ҳам бундан қолишмас экан. Бозор кўркига-кўрк қўшиб турган “Нигоҳ-Хуршид” савдо компанияси дўконига ҳавас ила қадам қўйдиг-у, боягидан-да бешбаттар ранжиб чиқдик. Сабаби — ёшгина сотувчи йигит шундоққина кўз ўнгимизда харидор Хуршид Шоабдураҳмоновдан 3 кило шакар, 2 кило макарон пулини санаб олди-да, чек уриб беришни хаёлига ҳам келтирмади. Яна денг, бизга “Исмим — Комил” деди-ю, фамилиясини айтишни истамади. Гўёки ҳеч нарса бўлмагандек, кўзимизга тик боқиб тураверди. Унинг жонига бошлиғи Суннат Атоев оро киришга шайланди. Шу мақсадда гапни чалғитиб, аравани қуруқ олиб қочишга уринди.

— Бу бино, — деди арқонни узун ташлаб, — аслида Абдусаттор Пўлатовга тегишли. Тенг ярмини бизнинг “Зарафшон” ҳиссадорлик жамиятимиз ижарага олган. Мен шу жамият бўлимининг мудириман.

Зимдан разм солиб турдик. Суҳбатимиз қуюқлашаётганини сезган сотувчилар фурсатни бой беришмади. Шоша-пиша касса аппаратларини ишга тушириб, харидорларга чек уриб бера бошлашди. Бироқ уларга қарашли дўкон олдидаги тамаддихоналар ходимлари темирни қизиғида босишнинг уддасидан чиқа олмадилар. Негаки, бу шохобчаларда касса аппаратларини учратиш анқонинг уруғини топиш билан баробар эди, десак муболаға бўлмайди...

Яширишнинг ҳожати йўқ, рейдимиз давомида турли тоифадаги дўкондорлару емакхоналар эгаларига дуч келдик. Улардан баъзи бирлари «Қўрққан олдин мушт кўтарар» қабилида иш тутишди. “Сизларга ўхшаган текширувчиларнинг кўпини кўрганмиз. Гоҳ милиция, гоҳ прокуратура ёки солиқ идораси ходимлари ҳужжатларини кўрсатиб, пайдар пай пайдо бўлишаверади. Тамагирлик қилиб, жонимизга тегишади. Тинчлик борми ўзи?” дея осмондан келишди. Айримлари эса, “Бўйнида иллати борнинг оёғи қалтирар” деганларидек, бизни секингина четга тортиб, чўнтагимизга чойчақа солиб қўйишга ҳаракат қилишди.

**Албатта, бу билан биз барчага бирдек баҳо бермоқчи эмасмиз. Дўкондорлар ва ошхоналар ходимлари орасида эл-юрт олдидаги вазифасини ҳалол ўташга, тартиб-қоидага имкон қадар қатъий риоя этишга, бозор иқтисодиёти шароитида рақобатга дош беришга интилаётганлари кўп. Айни чоғда ноқонуний фаолият юритаётганлари, харидорларни алдашга, даромадини яширишга уринаётганлари ҳам кам эмас. Шундай экан, бугунги кунда мулк шаклидан қатъи назар, ҳар бир савдо дўкони ёки ошхонанинг ходими назорат касса аппаратини ишлатишга жиддий эътибор қаратиши талаб этилади. Негаки, шундай қилинмаса, бу муайян миқдордаги сармоянинг аҳолининг маълум қатламлари қўлида тўпланиб қолишига олиб келади. Ўз навбатида айланма маблағларнинг камайишига сабаб бўлади. Шунингдек, давлат бюджетига тушиши кутилаётган маблағларга ҳам муайян даражада таъсир кўрсатади. Зеро, стипендия, пенсия ва ойлик маошларнинг вақтида тўланиши ҳам унга боғлиқ. Бас, шундай экан, бу масала билан тегишли ташкилотларгина шуғулланиб қолмай, ҳар бир киши унга ўзининг фуқаролик бурчи ва ҳақ-ҳуқуқларини чуқур ҳис этган ҳолда ёндашса, мақсадга мувофиқ бўларди.**

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,**
**Муфтилло ЮСУПОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбирлари.**

# ДЕҲҚОНБОЙ ЧАВАНДОЗНИНГ АРМОНИ



*Деҳқонбой чавандоз асли девордармиён қўшним.*

*Тўғриси, хотира ёзмайди, балки хотира айтади. Ўзи кам гапиради, лекин зўр гапиради. Гапирганда ҳам узиб-узиб гапиради, тизиб-тизиб гапиради, кўзларини сузиб-сузиб гапиради. Айтганда ҳам нақдини айтади, воқеанинг шаҳдини айтади, асл сўзнинг тахтини айтади.*

*Лекин уни гапиртириш қийин, дилининг қулфи бор-у, калитини топиш мушкул. Пайт пойлаб ул кишининг дилини топишга уриниб кўрдим. Ундан сўз очдим, бундан сўз очдим, бўлмади, замондан сўз очдим, омондан сўз очдим, кулмади. Ниҳоят, хаёлимга келган фикрдан қувониб кетдим. Отдан сўз очдим, зотдан сўз очдим, Ғиротдан сўзладим, Ғиркўкни ёдладим, Алпомишни эслатдим, Бойчиборни кишнатдим. Ниҳоят, у сал жилмайгандек бўлди, «Қувсан, балосан, сиримни билдинг, энди ҳикоямни тингла», деди самимийлик билан. Сўнг кампирига иссиқ чой буюрди, ўзи ёнбошлаган жойидан сал жилди, юзларини силади, соқолини таради, деворга осиғлиқ қамчинга назар солди, менга бир боқди, сўнг сўз бошлади*

### ТАРЛОННИНГ ТУҒИЛИШИ

Қарияларни қадрлаш йилида табаррук 72 ёшни қаршилаётган Деҳқонбой отанинг айтишича, унинг туғилиши ҳам от билан боғлиқ экан. Воқеа бундай бўлган. Падари бузруквори Мамбет чавандознинг чопқир ва ниҳоятда абжир оти Дунан ҳамманинг ҳавасини келтирган. Чавандознинг отига аслида хотини қараган. Аёл отга худди боласидек қарар, силаб-сийпалаб, эркаларди.

Айтишларича, аёл қараган от зотли бўлармиш, пари авлодидан, қанотли бўлармиш. Ўша қиш чилласида аёлни дард тутиб қолди. Бахтга қарши ҳеч ким йўқ. Секингина, инқиллаб Дунан ёнига ёнбошлабди, тўлғоқнинг зўридан отнинг ёлини чангаллаб, бошини бошига қўйибди. От кишнаб юборибди... Эндигина дунёга келган гўдак эса чинқирибди. Биринчи бўлиб Дунан гўдакни ялабди, ҳидлабди. Келинидан ҳадеб дарак бўлавермагач, хавотирланиб отхонага кирган Кумуш кампир бу ҳолатни кўриб, ёқа ушлабди, кўкрагига туфлабди. «Ё оллоҳим, қудратингдан», дея она-бола томон шошилибди. Чақалоқни ўраб-чирмаб, онасини эса суябди.

Отга бўлган ихлос туфайли Тарлон дея рамзий номланган шу паҳлавон Деҳқонбой чавандоз эди...

### ДЕБИЗ БИЛАН ТИЛЛАШИБ

Шу воқеадан бир оз ўтиб, Дунан ҳам қулунлади. Бу нодир тойчоқнинг туғилишини Мамбет чавандоз уч йилдан буён орзиқиб кутарди. Сабаби — бундай зотдор отлар кам болалайди. Отнинг ой-куни яқинлашган сари чавандоз уни кўзикмасин дея, пойгалардан асради, оғир юмушлардан четлатди. Пана жойда папалади, отхонани кечаю кундуз пойлади. Бундай зотдор отлардан қанотли тойлар туғилармиш. Аммо қанотли тойларнинг чинакам тулпор бўлиши унинг туғилишига боғлиқ бўларкан. Агарда қулун туғилган дафъа ерга тушса, қаноти шикастланармиш, ўшанда эгаси унга ҳушёр бўлиб турса, зотига тортаркан. Мамбет чавандоз жуда ҳушёр бўлди. Бедор ўтган тунлар эвазига Дебиз юмшоқ кўрпада туғилди. Ёшлигидан отларга ҳавас қўйиб, Деҳқонбой ҳам ўсаверди, Дебиз ҳам чопқиллаб эргашаверди.

Кутилмаганда Мамбет чавандоз ётиб қолди. Кўп ўтмай бандаликни бажо келтирди. Чавандозни билганларнинг ҳаммаси жанозага тўпланиб, уни сўнгги манзилга кузатиб қўйдилар. Ўшанда чавандознинг отини қабр тепасидан ҳайдаб ҳам кетказа олмабдилар. Деҳқонбой отасининг қабрига бир сиқим тупроқ сепиб, ҳаммадан кейин қайтаркан, қўшни аёл унинг бошларини силаб, пешонасидан ўпиб қўйди. «Биратўла етим бўлиб қолдинг, болам, бошинг тошдан бўлсин, энди белингни яна ҳам қаттиқроқ боғла, онангдан ҳам айрилиб қолдик...»

Аср намозидан кейин шу ҳовлида иккинчи жаноза ўқилди.

Бунақаси ҳали бўлмаган эди...

Дафнга борганлар қайтишди. Деҳқонбой билан амакиси толдан кесиб олинган ва суяниб борган таёқларини юмшоқ тупроқли қабрларга қадаб қайтишди. Во ажабо, орадан олти ой ўтиб, новдалар ниҳол бўлди, барг чиқариб кўкарди. Ўтган-кетган сув қуйиб ўтаверди. Етим қолган Деҳқонбой эса Дебиз билан овунди. Уни секин-секин минишга ўргатди. 1936 йилда «Янги тўлқин» хўжалигига биринчилардан раис бўлиб сайланган Қодирқул Дўстқулов халқнинг кўмагида йилқичиликка асос солди. Аввалига от заводидан учта от олиб келди, кейинчалик шу отлар йилқичиликнинг ривожланишига сабаб бўлди. 1940 йилга келиб, хўжаликдаги отлар сони 800 бошдан ошиб кетди.

1941 йил, илон йили... Мусибатли уруш бошланиб, қишлоқда эркак қолмади ҳисоб. Эр йигитлар урушга отланишди. Амакиси қарамоғида қолган ўспирин отбоқарлик қила бошлади, хўжаликнинг отларига қаради. Улар орасида Дебиз ҳам бор эди. Қодирқул Дўстқуловдан кейин хўжаликка раислик қилган Ҳусанбой Холбеков ўша суронли йилларда ҳам йилқичиликнинг ривожланишига жонкуярлик қилди. У отга қизиқар, айниқса, пойга ва кўпкариларга эътибори зўр эди. Шу боис хўжаликдаги пойгачи отларни топиб келиб, чавандозларни тайёрлашга киришди.

Ногаҳон раис бува бир куни отхонада Деҳқонбойни учратиб қолди. У ўспириннинг ишини кузатиб, уқувлилигини кўриб, «Сендан яхши чавандоз чиқади» дея елкасига қоқиб қўйди.

Шу дийдор баҳона Деҳқонбойнинг чавандозлик ҳаёти бошланди.

### МАРД МАЙДОНДА СИНАЛАДИ

Уруш тугаб, эмин-эркин замонлар бошланди. Бу пайтга келиб эса хўжаликда пойгачи отлар сараланиб, чавандозлик ривожланган эди. 1946 йилнинг баҳорида Тошкент отчопарида вилоят миқёсидаги мусобақаларда Деҳқонбой ҳам илк бор пойгага чиқди. Биринчиликни эгаллади, ўзи ҳам, Дебиз ҳам олқишларга кўмилди. «Баракалла, ўғлим, ишончимни оқладинг, — деди Ҳусанбой ота астойдил қувониб, — энди эл чавандози бўлдинг». Шу йилнинг кузида Ўрта Осиё бўйича катта мусобақалар бўлиб ўтди. Унда 6 та республика чавандозлари иштирок этган, 50 километрлик масофа белгиланган эди. 36 та сараланган от ичида Деҳқонбой Мамбетов минган Дебиз яна биринчи бўлди. Ғолибга 1-даражали диплом, байроқ ва 5 минг сўм пул мукофоти берилди.

Ўшанда у 16 ёшда эди...

### Отнинг жиловини тортманг

1948 йил. Москва. Бутуниттифоқ мусобақаларида республикалардан чавандозлар сараланиб олинди. Ўзбекистондан, «Янги тўлқин» хўжалигидан Деҳқонбой чавандоз танланди. 18 ёшли қиличдек чавандоз Ўзбекистон шаънини ҳимоя қилишга отланди. Махсус вагонларда отлар 17 кун деганда олиб келинди. Пойга шаҳар марказидаги отчопарда ўтказилди. 16 та чопқир от старт чизиғига териб қўйилди. Дебиз 6-рақамда эди. От пойга ҳавосини олиб, ёлларини силкиди. Енгилгина ўйноқлади. Деҳқонбой эса энтикарди. Ахир унинг ортида ўзбек эли турибди. Старт берилди. Гўё отлар қанот чиқариб учдилар. Марра 3 километрлик масофа бўлиб, отлар уч бора айланиб ўтишлари керак. Дебиз олдинга интилди. Бирин-кетин барча отлар ортда қолдилар. Жонивор мисли қуюндай чопарди. Иккинчи айланишда орқасидан кимдир овоз берди: «Осторожно браток, отпусти меня!» Деҳқонбой аввалига эътибор бермади, шунда овоз яна кўтарилди: «узбек, уважай брата».

Шундагина у орқасига қайрилди. 1-рақамли отни илғади. У Москва вилоятига қарашли Россия шарафи учун чопаётган тўриқ от эди. Чавандознинг беписандлигини сезган 1-рақамли от эгаси учинчи марта хитоб қилди: «Отпусти меня, за тобой Москва (Мени олдинга ўтказ, ортингда Москва келаётир)... У ҳушёрланди, от жиловини беҳосдан қаттиқ тортиб юборди. Буни кутмаган жонивор от ғалати кишнади. Отлар бараварлашди. Тенгма-тенг, ёнма-ён чопавердилар. Маррага эса яқин қолди. Агар жиловини тортмаганда, Дебиз аллақачон маррага етган бўларди. Ўшанда ёш чавандознинг кўзларида ёш, кўнглида армон қолди, оғир армон...

Шунда ҳам Дебиз эркимни бермайман деб, жиловига зўрлик қилиб чопарди, бир сония бўлса ҳам олдин етиб келди.

Лекин унинг билан бирга тўриқ қашқа ҳам маррада ҳозир эди.

Олқишлар, қарсаклар янгради...

Ҳамма мусобақа натижасини сабрсизлик билан кутарди. Ҳакамлар эса шундай хулосага келдилар:

1-ўрин Россия Федерацияси, 2-ўрин Ўзбекистон Республикаси, 3-ўрин Туркманистон Республикаси чавандозларига насиб этди. Деҳқонбой эса қулоқларига ишонмади, ишонса ҳам ажабланмади. Бари-бир катта соврин билан юртига қайтди. Аммо юрагида аччиқ армон қолиб кетди.

Кейинчалик катта-катта пойгаларда от чоптирганида от жиловини доим озод қўйди, чунки у Дебиздан қарздор эди... Юртимиз мустақил бўлди, истиқлол айёми келди. Чавандоз истиқлол суруридан завқланиб, мактаб ўқувчилари даврасида ўша олис хотираларни ҳаяжонланиб сўзлаб берди. Мустақил юрт фарзандларига фидойиликни ўргатди. Дебиздан ёдгор бўлиб Баён қолди. Кейинчалик Баёнда Деҳқонбой чавандознинг шогирдлари чопдилар. Унинг издошлари эса қўлларидаги бармоқларидан кўп эди.

Деҳқонбой ота невараларига ўша хотиралардан сўзлайди ва, албатта, дейдиларки, «Учқур отлар устида сизлар ўтирасизлар, болаларим, аммо от жиловини тортмайсизлар. Отнинг чопгани ҳам, топгани ҳам фақат ўзига буюради, иншооллоҳ»...

Бу сўзларнинг мағзини бобосидан қабул қилиб олган эгар-жабдуқли от устида ўтирган невараси Дониёржон биринчи бўлиб ва ҳаммадан кўра теранроқ англайди. Шаҳбозжон эса акасининг белидан маҳкам сиқади. Хотираларни тинглаб бўлгач, қамчиси билан от ёлига секингина уриб, жиловини тортмай, елдек учириб кетади...

**Муҳаммад КАРИМ.**
**Ўрта Чирчиқ тумани.**

# Қошу кўзингда умид чироқлари ловулласин

*Сурхондарёда бугун мактабларда ишлаб турган ўқитувчилар 50 мингдан кўпроқ бўлса, уларнинг ичида, эҳтимол, энг ёши улуғи Орол Пиримқуловдир.*

*Орол ака 72 ёшда. Термиз туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабида чорак асрдан буён директор. Хатни кўзойнаксиз ўқийди. Ҳали баданига игна (укол) санчтириб кўрмаган. Елкалари тўла, қомати тикка — қайроқи одам.*

*Ниҳолларни яхши кўради. Бу мутахассислиги ўсимликшунос (биолог) бўлгани учунгина эмас.*

Пиримқуловнинг мактаби Каптархона деган қишлоқда. Йўлак четларида минг турфа гул, ҳовлида адл дарахтлар ўстирилган маскан. Ўқувчилари 600 нафар. Ҳаммаси бир хил кийинишади. Ва, ўқитувчиларнинг айтишича, деярли бир хил даражада, табиийки, яхши даражаларда ўқишади. Бунинг боиси, Пиримқуловнинг айтишича, ўқитувчилар ҳаммаси деярли бир хил даражада ишлашади. Ҳа-ҳа, ўқитувчи деганнинг бири яхшию бири ёмон, бири яхши ишлайдигану яна бири яхши ишламаса ҳам бўлаверадиган бўлмаслиги керак. Ахир, ўқитувчи — намуна тимсоли. Намуна мажмуи. Ахир, фақат яхши даражалар эмас, ёмон (салбий) даражалар ҳам намуна майдонига чиқиб қолиши мумкин-ку? Йилнинг ўзида юзта, беш юзта кашанда бола етишиб турса, худо кўрсатмасин, кимга айтасиз доду фарёдингизни?

Пиримқуловнинг мактаби ўзига ўхшайди: саранжом-саришта. Саройни эслатади. Илм ва маърифат саройи. Хоналар ёруғ, файзу тароватли. Лекин Пиримқулов мактабни таъмирламоқ учун ота-оналарнинг чўнтагига қўл солмас экан. Ҳомий бўл, деб раҳбарларнинг изидан ҳам эргашмас экан. Маблағни мактабнинг ўзи топади: ҳовлида қайрағоч, туя, кипарис ниҳоллари ўстирилаяпти. Сон-саноғими — йигирма мингдир. Ўттиз мингдир. Ҳар қайси тупи вақти келиб беш минг, етти минг сўм пул бўлади. Мактабнинг пахта майдони бор — беш гектар. Ҳаммадан олдин улар пахта тайёрлаш режасини бажаришди. Мактабнинг «Дамас»и бор. Хизмат машинаси. Мактабнинг, энг муҳими, мен Қори-Ниёзий бўламан, Ҳабиб Абдуллаев бўламан, Абдулла Қодирий бўламан, деган ўқувчилари бор. Пиримқулов уларни менинг ниҳолларим, деб эркалайди. Уларнинг орзу-умидларини қош-қабоқларига суртиб ардоқлайди.

Пиримқуловдан «Қачон нафақага чиқасиз?» деб сўрайман. «Қариганимдан сўнг, — дейди у жавобни қисқа қилиб. — Мен ишим қийин деб айтмайман. Ниҳолларим ҳавосидан завқ олиб яшайман. Завқ тугамасин, илоё. Завқ тугаган жойдан, аҳ, қарилик бошланса керак».

* * *

Пиримқуловнинг бу гаплари менга Дониёр Холлиев деган ўқитувчининг қиёфасини эслатди. Холлиев «Мен — муаллимман» деган каломни баралла, фахру ифтихор билан айтиб келаётган одам. 2-ихтисослашган мактаб-интернат директори. Мактабни битирган 82 нафар ўқувчининг 63 нафари олий даргоҳларга ўқишга кирди. Шогирдларининг бирон ютуғи — салоҳияти кўзга ташландими, 32 кишилик жамоанинг боши осмонга етгандай бўлади. Эртанги кундан хавотирланмасдан яшамоғимиз учун биз яхши ишлашимиз, бағримизни бериб ишлашимиз керак, дейишади.

Холлиевнинг тарбияга, таълимга оид ҳар бир сухани — ҳикмат. Янги гап. Кашфиёт. Болакай — талаба бузоқ эмаски, сен йўл кўрсатган томонга эргашиб кетаверса. Қўй эмаски, танбеҳу турткиларингга бошини эгиб тураверса. Ё машина эмаски, топган гапингни устига ортиб ташлайверсанг. У — дунё. Сирли олам. Яхшиларга интилади, ёлғонни, ёмонликни кечирмайдиган тилсимот. Бир сўзингни эшитиб, бир қадамингни кўриб, қандай овқатланишингга қараб баҳоингни аниқ қўя биладиган ҳакам. Ўқитувчи, фалон ўқувчимга фалон баҳо қўйдим, деб хато қилади. Йўқ, баҳо қўйишда ҳар қанақа зукко ўқитувчидан кўра ўқувчи пешқадамлик қилади. Ва бола ўқитувчининг ўзига қўйган баҳосига қараб эмас, ўзининг ўқитувчига қўйган баҳосига қараб қадам ташлайди. Ўқитувчи зўр бўлса, шогирдининг ана шу қадамини илғаб олмоғи керак. Унга ҳамқадам бўлишга эришмоғи керак. Ана шундан сўнг муз кўчади. Иш юриша бошлайди. Ана шунда ўқувчи диққат қилиб, зеҳн қўйиб меҳри жўша бошлайди — илмга, ҳаётга, устозига, ўз ҳаётига.

Холлиев яна айтадики, боланинг мияси ёғоч сандиқ эмас. Сандиқ эмаски, қўлингга тушган, ё қўлингга келган ашёни унга тахлаб қўяверсанг. Болани билимга қуруқдан қуруқ ўргатиб бўлмайди. Боланинг ўзи ўргансин. Ўрганишга интилсин. Уни интилишга ўргатмоқ лозим. Унинг кўнглида илмга иштаҳа уйғотмоққа ўргатмоқ лозим. Ана шундан сўнг ҳам... муз кўчади.

* * *

Шўрчи тумани халқ таълими бўлимидагилар интизомли ўқитувчилар қаторига Ойдин Эшмуродовани ҳам қўшиб тилга олишди.

Ойдин — ёш ўқитувчи. Ихтисоси — математика. «Йил ўқитувчиси» кўрик-танлови ғолиби. 20 соат дарси бор. Репититорлик қилади. Касб-корига берилган, шу шарафли ишга ўзини бағишлашга улгурган муаллима.

— Дадам, тоғамлар, холамлар — ўқитувчилар, — дейди Ойдин. — Ўзим ўқиган мактабда математика ўқитувчиси оз эди. Ихтисоси бошқа ўқитувчилар ўзлариям тушуниб-тушунмай Пифагор теоремасидан дарс беришар эди. Ана шунда мактабнинг кунига ярайин, дедим. Математикани ўргандим. Математиканинг ҳар бир мураккаб мисол, масаласи — сеҳрли бир ғазал. Мафтункор бир қўшиқ. Ҳаёт жумбоқларини ифодаловчи бир ечим. Ўқувчиларимни ҳозир олимпиада мусобақаларига тайёрлаяпман. Уларни ҳаётда мард бўлиб, жасоратлар кўрсатиб яшашга ўргатаяпман. Қандай завқли, шарафли бу иш.

Ойдиннинг фикрича, тўртта зўр ўқитувчи ишласа, мактаб дорилфунун қадар катта даргоҳга айланади. Яхши, зўр ўқитувчи яшайдиган маҳалла, эл устига осмондан нур ёғилиб туради. Ўқитувчилар, ахир, маърифатни, маънавиятни яратадилар. Жамиятни яратадилар. Улар — жамиятнинг меъморлари...

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




**Нурота ўзининг шифобахш чашмалари, мусаффо ҳавоси, тарихий обидалари билан машҳур. Бу ерда «Нурота чашмаси» деб аталувчи музей иш бошлаганига ҳам кўп йиллар бўлди. Ўзи ташкил этган ушбу музейга Жўрақул Сафаров қарийб 22 йилдан буён раҳбарлик қилиб келади. Музей экспонатлари қадим Нуротанинг бой ва буюк тарихи, олиму фузалолари, айни чоғда ўзига хос анъаналари ҳақида ҳикоя қилади.**

**СУРАТДА:** ***Жўрақул Сафаров шогирдлари Баҳодир Сарикбоев ва Гулбаҳор Қаландаровалар даврасида.***

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

Туҳфа

# «Ўзбек халқи байрамлари»

Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллиги муносабати билан профессор Усмон Қорабоевнинг «Ўзбек халқи байрамлари» китоби кўп нусхада чоп этилди.

Кенг китобхонлар оммаси, мутахассислар, ўқитувчи ва талабалар, ўқув даргоҳларининг маънавият, маданият ва маърифат ходимлари, байрам тадбири ташкилотчилари, мухбиру журналистлар байрамларимиз тарихи, моҳияти тўғрисида бир қадар тўлақонли илмий манбага эга бўлдилар.




Инсоният тарихининг энг қадимги даврларидан бошлабоқ байрамлар одамлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Зеро, байрамларсиз турмуш нурсиз ва зерикарли, байрамларсиз ҳаётни тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Байрамлар ҳар бир халқ ҳаётининг энг эзгу, энг гўзал томонларини акс эттирувчи кўзгудир.

Ўзбек халқининг байрам-маросим маданияти шу қадар ранг-барангки, уларни бир неча туркумларга ажратиб, тўлақонли ўрганиш зарурияти етилган эди. Бу хайрли ишни бажариш Усмон Қорабоевга насиб этди.

«Ўзбек халқи байрамлари» китоби муаллифнинг йигирма йилдан кўпроқ вақт мобайнида олиб борган изланишлари ҳосиласи сифатида вужудга келди.

Муаллиф ўнлаб Ғарб ва Шарқ алломалари, тарихчилар, археологлар, элшунос, санъатшунос ва адабиётшуносларнинг шу мавзуга доир китоб ва тадқиқотларини ўрганиб, вақтли матбуот нашрларига мурожаат қилиб, республикамиз бўйлаб махсус кузатишлар олиб борган.

Китобнинг биринчи қисми ўзбек халқи байрамларининг тарихига бағишланган. Унда байрамларнинг энг қадимий даврдан бошлаб ҳозирги пайтгача бўлган тараққиёт тарихи хронологик нуқтаи назардан ўрганиб чиқилган. Китобнинг иккинчи қисми анъанавий халқ байрамларига, яъни ўзбек байрамларининг асосий турларига бағишланган. Мавсумий байрамлар, ўзбек оилавий маросимлари ҳамда диний байрамлари ва уларнинг асосий турлари тадқиқ этилган.

Замонавий байрамлар, жумладан, мустақиллик даври байрамлари учинчи қисмда атрофлича баён этилган. Кейинги боб меҳнат ва табиат байрамларига бағишланади. Китобда Ўзбекистонда нишонланадиган байрамлар ва муҳим саналар календар (тақвим)и ҳам илова қилинган. Энг муҳими шундаки, байрамлар тасвири туширилган 100 дан ортиқ фотосуратлар китобни безаган.

Республика Фан ва технологиялар маркази билан Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти, республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда тайёрланган, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти томонидан чоп этилган ушбу асар келажакда дунёнинг бошқа тилларига ҳам таржима этилиб, миллий қадриятларимизни оламга кўз-кўз қилишига ишончимиз комил.

**Муҳаммаджон ИМОМНАЗАРОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**
**Икромиддин ОСТОНАҚУЛОВ,**
**филология фанлари номзоди, доцент.**
**Раҳматилла НОСИРОВ,**
**Тошкент маданият институти катта ўқитувчиси, илмий тадқиқотчи.**

Мавзуга қайтиб


...БЕРАРДА ЧИҚАР ЖОНИМ

# БИР-БИРИМИЗНИ ЧАЛҒИТМАЙЛИК

Газетамизнинг шу йилги 3 июль сонида "...Берарда чиқар жоним" сарлавҳали мақола эълон қилинганди. Унда Андижондаги "Деликатес" савдо-тайёрлов-харид базаси Американинг "ULTIMA TRADE COMPANY" шўъба корхонаси билан тузилган шартнома мажбуриятларини бажармагани, боз устига, икки ёзу икки қишдан буён катта миқдордаги пул ва маҳсулотни эгаларига қайтармаётгани хусусида сўз юритилганди. Биз кўтарилган масала ниҳоятда жиддийлигини ҳисобга олиб, мақолани текшириш ва зарур чора-тадбирлар белгилаш учун Андижон вилояти прокуратурасига жўнатдик. Шу муносабат билан вилоят прокурорининг ўринбосари К.Маматов номидан расмий жавоб олдик. Уни газетамизнинг 14 август сонида чоп этдик.

Орадан кўп ўтмай, "ULTIMA TRADE COMPANY" шўъба корхонаси раҳбари Р.Яфуняев жавобда айрим далиллар чалкаштириб юборилганини билдириб, турли ташкилотларга мурожаат этди. Кейинчалик у ҳақлиги исботланди. Негаки, прокуратура хатида шўъба корхонаси, ҳақиқатан ҳам, қўшма корхона деб битилган, унинг "Деликатес"-чилар томонидан қайтарилиши лозим бўлган 53 миллион 727 минг 864 сўмлик маблағи ва товар-моддий бойликлари "10 миллион 500 минг сўм тўлов пули талон-торож қилинган" деб кўрсатилган экан. Вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Н.Қурбоновнинг таъкидлашича, бу ўринда 2002 йил 13 февраль куни шунча миқдордаги пул талон-торож қилинганлиги ҳолати юзасидан жиноят иши қўзғатилгани қайд этилган экан, холос. Тергов жараёнида эса, шўъба корхонага 53 миллион 727 минг 864 сўмлик зарар етказилгани исботланиб, айбдорлар Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича жиноий жавобгарликка тортилганлар.

Р.Яфуняев ўз мактубида расмий жавобдаги "Мазкур иш ҳозирда жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судида кўрилмоқда" деган жумлага ҳам эътироз билдирганди. Аниқроғи, бу ҳақдаги маълумот газетада ёритилган пайтда суд аллақачон тугаганини эслатганди. Ваҳоланки, вилоят прокуратурасининг таҳририятга жавоби 29 июлда ёзилган. Суд эса 30 июлда якунланган ва жиноят иши қўшимча терговга қайтарилган. Бироқ бу борадаги хулоса Андижон шаҳар прокуратураси томонидан асоссиз ва қонунга зид деб топилган. Шунга кўра, 9 август куни вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий протест киритилган.

Кўриниб турибдики, Р.Яфуняев тилга олган далилларнинг бевосита таҳририятга алоқаси йўқ. Бас, шундай экан, биз газетамизга расмий жавоб йўллаётган ташкилот-муассасалар мутасаддиларидан ҳар бир жумла, далил ёки рақамни аниқ ва асосли қилиб ёзиб юборишларини сўраймиз. Ана шунда бир-биримизни чалғитмаймиз. Табиийки, ўшанда ортиқча эътирозу ёзишмаларга ҳам ҳожат қолмайди.

# Ярославль заминида тузилган режалар

*Яқинда Ярославлда бу областнинг Ўзбекистон вилоятлари билан ҳамкорлигининг 10 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.*

1992 йили ярославлликлар Жиззах, сўнгра Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйган эди. Ўтган йилга келиб эса Россиянинг мазкур области ва Ўзбекистон вилоятлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 8,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Область маъмурияти ва Ярославль корхоналари раҳбарлари мунтазам равишда Ўзбекистонга ташриф буюрадилар, ўз навбатида уларнинг ўзбек ҳамкасблари ҳам бу ерда амалий сафарларда бўладилар. Бу гал ҳам юбилей тантаналарида иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчиси бошчилигидаги делегация Ярославлга келди. Делегация таркиби ҳокимиятлар, давлат компаниялари, корпорациялар, кичик ва ўрта тадбиркорлик вакилларидан иборат эди.

Мамлакатимиз вакиллари Ярославль области губернатори Анатолий Лисицин билан учрашдилар. Сўнгра Ярославль Савдо-саноат палатасида маҳаллий ишбилармон доиралари вакиллари билан «Давра суҳбати» ўтказилди. Унинг якунида делегация иштирокчилари ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда гуруҳларга бўлиниб, Ярославлдаги ҳамкасблари ҳамроҳлигида муассаса ва корхоналарни кўздан кечирдилар. Бўлиб ўтган музокаралар натижасида қатор битим ва истиқбол режалари тўғрисидаги протоколлар имзоланди.

Бугунги кунда Ярославль областида тўққизта Ўзбекистон—Россия қўшма корхонаси мавжуд. Ярославлликларга Жиззах деҳқонларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотувчи «Савдо уйи» хизмат кўрсатмоқда. «ЎзДЭУавто» автомобилларини сотиш ва уларга хизмат кўрсатиш маркази фаолият кўрсатмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик маданий алоқалар ривожига ҳам туртки бермоқда. Хусусан, Ярославль Ёш томошабинлар театри икки йил бурун Тошкентда бўлиб ўтган «Ҳумо» театрлар фестивалида иштирок этди.

Сўнгги пайтларда қатор янги қўшма лойиҳалар амалга ошириш юзасидан ҳам жиддий ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбек делегациясининг Ярославлга ташрифи давомида ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари муҳокама этилди, келгусида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар белгилаб олинди. Икки йил бурун имзоланган Россия Федерацияси областлари ва Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим бундай ўзаро алоқаларга ҳуқуқий асос яратмоқда.

**Олег ШАТУНОВСКИЙ.**
**«Жаҳон» АА.**
**Москва.**

*Пахта йиғим-терими қизғин паллага кирган шу кунларда Риштон тумани "Матлуботсавдо" ҳиссадорлик бирлашмаси тасарруфидаги савдо дўконлари ҳамда умумий овқатланиш тармоқларининг иш соатлари узайтирилди.*

## «Матлуботсавдо» пахтакорлар хизматида

Мавсум мобайнида теримчи ва ҳашарчиларга намунали савдо хизмати кўрсатишни мақсад қилган жамоага қарашли савдо тармоқлари ҳар қачонгидан барвақт очилиб, кечга қадар ишламоқда. Айниқса, умумий овқатланиш тармоқлари иши узлуксиз ташкил этилгани тумандаги тўртта пахта қабул қилиш пунктида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар, механизаторларга кўплаб қулайликлар туғдирмоқда.

Шунингдек, туман "Матлуботсавдо" бирлашмаси ва ширкат хўжаликлари ҳамкорлигида дала қозонлари ташкил этилди. Бу пахтакорларни иссиқ овқат ва кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш имконини бермоқда. Томонлар келишувига кўра, бирлашма сифати кафолатланган, бозор нархидан арзон маҳсулотлар етказиб беради, ширкат хўжалиги эса жойларнинг ўзида иссиқ овқат ташкил этади. Айни пайтгача 27 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

— Пахта йиғим-терими мавсуми муносабати билан кўчма автодўкон фаолияти ҳам йўлга қўйилди, — дейди "Матлуботсавдо" ҳиссадорлик бирлашмаси савдо бўлими бошлиғи Маъруфжон Раҳмонов.

— Унда кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган 42 хилдаги маҳсулот мавжуд.

**Р. КАМОЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## "Хонбугда" ҳаммага ёқади

Хонобод шаҳридаги "Хонбугда" ўзбек-хитой қўшма корхонаси маҳсулот ишлаб чиқарган дастлабки кунларданоқ ўз мижозларини топишга улгурди. 250-500 граммлик полиэтилен идишларга қадоқланган "андижонча-уйғурча" лағмонга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Ҳозирда "Хонбугда" маҳсулотлари нафақат юртимиз, балки хорижликлар дастурхонига ҳам файз киритаётир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КАРТОН ВА ГОФРОКАРТОН СИҒИМЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЭНГ ЙИРИК КОРХОНА – хорижий сармояли "SANOATQALINQOG'OZSAVDO" ОАЖ
қуйидагиларни тайёрлаб бериш учун буюртмалар қабул қилади ва чекланмаган миқдорда сотади:
- турли хил ўлчамдаги ва бир неча рангда тайёрланган ҳар хил мақсадлар учун мўлжалланган гофроқутилар;
- гофрокартон;
- матбаачилик ва китоблар учун елимланган картон;
- буюмларни ўраш қоғози;
- якка тартибда буюртма бўйича картон маҳсулотлари;
- тухумларни ташиш ва сақлаш учун қатламлар;
- ҳар хил ўлчамдаги қалинлиги 3 - 3.5 мм бўлган толали плиталар.

702500, Тошкент вил., Ангрен ш., Гулбоғ қўрғони.
Тел.: (37166) 34-452, 22-420, факс: 26-651.
Самарқанд ш., тел.: (3622) 35-42-41.

ШАРТНОМАЛАР ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛДА ТУЗИЛАДИ:
700011, Тошкент ш., Навоий к., 18-В, 216-хона.
Тел.: 144-87-63, 144-31-83, факс: 144-87-63.
6276/1928



TS-Technoloqy компанияси қуйидаги хизмат турларини таклиф этади:
- лойиҳа тузишдан аввалги тадқиқот ўтказиш;
- лойиҳа тайёрлаш;
- лойиҳани амалга оширишни техник қўллаб-қувватлаш;
- ходимларни ўқитиш ва маслаҳат бериш;
- жаҳондаги етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг жиҳозларини етказиб бериш.

TS TECHNOLOGY

Манзил:
Тошкент ш., Ҳамид Олимжон майдони, «Пойтахт» бизнес мажмуи, ғарбий томон, 2 йўлак, 29, 30 идора.
Телефонлар: (371) 137-72-91, 137-72-92.
Факс: (371) 137-72-98.
intel
Design by A.G. ©2000
6283/1745



FSA Talabalar Dasturi

The FREEDOM Support Act (FSAU) talabalar dasturi AQSH Ta'lim va Madaniyat Ishlari bo'yicha Byurosi (ECA) dasturi bo'lib Xalqaro Tadqiqot va Olimlar Ayirboshlash Kengashi (IREX) tomonidan boshqariladi. FSAU dasturi Armaniston, Azerbayjon, Belarus, Gurjiston, Qozoqiston, Qirg'iziston, Moldova, Rossiya Federatsiyasi, Tojikiston, Ukraina va O'zbekistonning fuqarolari uchun mo'ljallangan bo'lib, 1, 2 va 3*chi kurs talabalari (*5-yillik dargohlar) uchun mo'ljallangan bo'lib AQSH kollej va universitetlarida bir akademik yil davomida ta'lim olish imkoniyatini beradi. Isht'rokchilar ochiq tanlov asosida tanlab olinadi.

Topshirish sohalari:
- Amerika ilm-fanlari
- Bizness
- Atrof-muhit muhofazasi
- Ekonomika
- Jinoiy Huquq asoslari
- Jurnalistika
- Halqaro Munosabatlar
- Kompyuter Texnologiya
- Ta'lim
- Qishloq Ho'jaligi
- Siyosiy fanlar
- Sociologiya

Dastur qatnashchilari:
- O'quv yili davomida AQSH dargohlaridan birida ta'lim oladilar;
- Kamida 20 soatlik ko'ngillik xizmatini turar-joy/shahrida birinchi semestr davomida amalga oshiradilar;
- Ikkinchi semestr davomida stajirovka o'taydilar.

Dastur topshirish davomida birinchi kurs talabalari oila yoki yotoqxonaga joylanadilar va ikki-yillik kollejda o'quv yili davomida ta'lim oladilar. Dastur topshirish davomida ikkinchi va uchinchi kurs talabalari to'rt-yillik universitetlarda ta'lim olib, dargoh yotoqxonalariga joylanadilar.

Stipendiya sohiblariga quyidagilar taqdim etiladi:
- Ikki-tomonlik yo'l harajatlari;
- Turar joy bilan ta'minlash;
- Universitet to'lov mablag'i;
- O'quv qo'llanma bilan ta'minlash;
- Har oylik stipendiya; va
- Ko'ngilsiz voqea sodir bo'lganda qoplanadigan mablag'

Qoshimcha ma'lumot uchun talabnomalar ruyhatiga qarang

Talabnomalar topshirish muddati: 17:00, 31 Oktyabr, 2002

FSAU ariza varaqalarini/talabnomalarni IREX offislarida qo'lga kiritishingiz va topshirishingiz mumkin. IREX boshqaruvi ostidagi O'zbekiston IATP offislarida, hamda www.irex.org , www.irex.ru va www.irex.org.uz internet varaqalaridan olishingiz mumkin.
Qo'shimcha ma'lumotlar uchun quyidagi manzilga murojaat qilishingiz mumkin:
Bobur ko'chasi, 4, Toshkent, O'zbekiston 700003 Tel/Fax: (998-71) 139-10-58, Email: roses@irex.org.uz
IREX
6354-1/2051

«Озодликни қўллаб-қувватлаш бўйича долзарб муаммолар» Дастури

«Озодликни қўллаб-қувватлаш бўйича долзарб муаммолар» Дастури ECA(Таълим ва маданият ишлари бўйича Бюроси) томонидан молиявий таъминланиб, IREX (Халқаро тадқиқот ва олимлар айирбошлаш Кенгаши) томонидан бошқарилади.«Озодликни қўллаб-қувватлаш бўйича долзарб муаммолар» Дастури 4 ой муддат давомида Евроосиё давлатларида етакчи ўринларда турган касб эгалари ва мутахассисларга АҚШда малака ошириш ва илмий тадқиқотлар ўтказиш учун қулай шароит ва ажойиб имкониятдир. Мазкур стипендия Арманистон, Озарбойжон, Белорусь, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Украина ва Ўзбекистон фуқароларига тақдим этилади. Дастур қатнашчиси ўз талабномасида кўрсатаётган таклифи сиёсий йўналишда бўлиб, Евроосиё мамлакатларига фойда келтириш мақсадида тузилиши керак.

Бу дастурда катнашиши мумкин бўлган касб эгалари:
- Иқтисодчилар
- Давлат хизматчилари
- Ҳуқуқшунослар, сиёсий маслаҳатчилар
- Аҳоли соғлиғини сақлаш мутахассислари
- Нодавлат ташкилотлари етакчилари
- Журналистлар
- Сиёсат соҳасидаги барча мутахассислар

Тадқиқот йўналиши:
Бизнес бошқаруви
Фуқаролар таълими
Таълим сиёсати
Иқтисодиёт
Атроф-муҳит сиёсати
Инсон ҳуқуқлари
Халқаро муносабатлар
Журналистика ва оммавий ахборот воситалари
Қонуннинг қўлланилиши
Ҳарбий ва хавфсизлик муаммолари
Сиёсий масалалар
Жамият ва давлат бошқаруви
Аҳоли саломатлиги сиёсати
Ҳуқуқнинг ўрни
Ижтимоий таъминланганлик сиёсати

Дастур қуйидаги харажатларни таъминлайди:
- Икки томонлама йўл харажатлари;
- Яшаш жойи ва стипендия;
- Тадқиқот ишлари билан боғлиқ бўлган харажатлар;
- Соғлиқ билан боғлиқ бўлган фавқулодда ҳолатлардан суғурта.

Дастур бўйича талабнома топшириш муддати:
2002 йил, 22 ноябрь,17.00

Қўшимча маълумотлар
Тошкент ш., Бобур кўчаси, 4-уй. Телефонлар: (998-71) 139-1058, 55-8358, 55-7025 Email: irextash@irex.org.uz
IREX
6354-2/2051



ТАШКИЛОТ
ҚУЙИДАГИ
МАТБААЧИЛИК ЖИҲОЗЛАРИНИ
СОТИБ ОЛАДИ:
- офсет босма машинаси:
- йиғиш жиҳози.
Телефонлар: 137-66-20, 35-10-30.
Лицензия 10-592 30.05.2000 йилдан.
6330/2103



"ТЕЗИНТОМ" ҚК БУЧИРОЙ ВА КАФОЛАТ ДЕМАКДИР
TEZINTOM
"Тезинтом" ҚК ўз маҳсулотлари нархларини сезиларли даражада камайтирганлигини маълум қилади.
- МЕТАЛЛ ЧЕРЕПИЦА ВА УНГА КЕРАКЛИ ЖИҲОЗЛАР
- МЕТАЛЛНИ ТУРФА РАНГЛИ ПОЛИМЕР ҚОПЛАМА БИЛАН ПАРДОЗЛАШ
- ДЕКОРАТИВ ПАНЕЛ ДЕВОРЛАР ВА ОСМА ШИФТЛАР ЧИҚАРИШ
- БАДИИЙ САВИЯДАГИ МЕТАЛЛ МАҲСУЛОТЛАР
- ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ МЕЪМОРИЙ - БЕЗАШ МАССАЛАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ
ОВРУПА СИФАТИ
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Муҳиддинов кўчаси, 1А уй.
Телефон: + (998-71) 162-42-74, 162-78-59, 162-42-47.
Факс: + (998-71) 162-41-05. E-mail: Тезинтом
31102
6360/1473

Юртимиз пахтакорлари, деҳқонлари диққатига!
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
«ПАХТА БАНК»
2002 йил 20 сентябрдан эътиборан, 1 ноябргача бўлган давр мобайнида 7 ой муддатга очилиб, йиллик 45 фоиз даромад тўланадиган
«ҲОСИЛ» жамғарма омонатини
ТАКЛИФ ЭТАДИ.
Ушбу омонатга маблағингизни «Пахта Банк»нинг исталган бўлимига қўйишингиз ва ҳар ойда фоизли даромадингизни олиб боришингиз мумкин.



Хирмонингиз баракали бўлсин, азиз юртдошлар!
Тўлиқ маълумот учун телефонлар: 173-25-56, 78-10-32.
«Пахта Банк» фаровонлигингиз калитидир!
6181/2064




Экология

## Автомобиллар пойгаси

Малайзияда қуёшдан кучланиб ҳаракат қилувчи автомобиллар пойгаси бўлиб ўтди.

«Lycos.ру»нинг хабарига кўра, пойгада дунёнинг турли мамлакатларида ишлаб чиқарилган экологияга зарарсиз автоуловлар иштирок этди.

Мозийдан садо

## Тутанхамон сурати яратилди!

АҚШ ва Буюк Британия махсус ёруғлик эффектлари бўйича мутахассис ҳамда олимлари одатда криминалистикада фойдаланиладиган компьютер технологиялари ёрдамида Тутанхамон фиръавнининг сиймосини тикладилар.



«BBC News» хабарига кўра, фиръавннинг юз тузилиши 1968 йилда мўмиёда рентген тадқиқотлари ўтказилгандан сўнг олинган натижаси асосида тузилди.

Британиялик профессор Робин Ричардс фиръавнга мансуб бўлган этник гуруҳдаги ёши, жинси бир хил бўлганларнинг юз тузилишини аниқлаган. Махсус ёруғлик эффектлари бўйича мутахассислар эса унинг портретини яратишган. Сурат ҳозир Лондондаги илмий музейда намойиш қилинмоқда.

Янги салтанат (VIII династия) даврида яшаган Миср фиръавни – Тутанхамон эрамиздан аввалги тахминан 1400-1392 йилларда давлатни бошқарган. У 12 ёшида тахтга ўтирган ва 20 ёшга кирмасдан вафот этган.

1922 йилда топилган Тутанхамон мақбараси – Миср фиръавнлари дафн қилинган мақбаралар ичида энг яхши сақланиб қолинганидир.

Айни пайтда фиръавн мўмиёси Қоҳира музейидан жой олган.

Хавфсизлик



## Янги тизим жорий қилинмоқда

АҚШ аэропортларида йўловчилар юкини текшириш бўйича янги тизим жорий қилина бошланди.

Ушбу чора ҳукумат томонидан қабул қилинган террорчилик хуружларининг олдини олишга қаратилган дастур асносида кўрилмоқда.

«НТВ.ру»нинг маълумотига кўра, айни пайтда 9 та аэропортга янги ускуналар ўрнатилган.

Хотира



**ҲИНДИСТОН.** *Тереза Она ихлосмандлари қувончи чексиз. Ватикан руҳонийлари ушбу зотнинг илоҳий кучга эга эканлигини тан олди. Бундан буён Тереза Она – авлиё деб ҳисобланади. Энди мартабани расмийлаштириш вақтини Рим папаси белгилайди.*

# САЙЁРАМИЗНИНГ ЭНГ КЕНЖА ДАВЛАТИ

Ўтган якшанба куни Шарқий Тимор БМТнинг 191-аъзосига айланди. Шу муносабат билан мазкур ташкилотнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Шарқий Тимор президенти Шанана Гужмау ва халқаро ҳамжамият вакиллари иштирок этди. БМТ биноси қаршисида Шарқий Тиморнинг қора, сариқ ва қизил ранглар акс этган байроғи ҳилпирай бошлади.

Шарқий Тиморнинг ҳудуди — 14,9 минг квадрат километр. Аҳоли сони бир миллионга яқин. Пойтахти — Дили.

Шарқий Тимор кейинги 30 йил давомида бошқа давлатларга қарам бўлиб келди. У дастлаб португалияликлар назоратида бўлди. Улар оролдан кетгач, бу ҳудудга Индонезия эга чиқди. Бироқ орол аҳлининг эркинликка умиди, интилиши ҳеч қачон сўнган эмас.

1999 йилга келиб бу ерда умумхалқ референдуми бўлиб ўтди. Ўшанда Шарқий Тимор фуқароларининг аксарияти мустақиллик тарафдори эканини билдирди. Бироқ бу вақтда мамлакатда парокандалик ҳукм сурар эди. Шу боис у вақтинча БМТ кузатуви остига олинди.

Шарқий Тиморнинг мустақил давлатга айланиб кета олишига кўпчилик ишонқирамай қарарди. Лекин оролнинг табиий заҳираларга сероблиги, табиати сайёҳлар учун жозибали экани ҳисобга олинадиган бўлса, истиқболда бу юрт гуллаб-яшнашига шубҳа қолмайди. Орол соҳилларида катта нефть заҳиралари борлиги аниқланган. Бу ҳам тиморликлар учун фаровонлик гарови бўлиши турган гап. Мазкур маросимда Бош котиб

Шарҳловчи минбари

Кофи Аннан ҳам тез орада мамлакат иқтисодиёти оёққа туриб олишига ишонч билдиргани бежиз эмас.

1999 йилги референдумда аҳолининг аксарияти мустақил давлат қуриш тарафдори эканлигини билдирганига қарамай, мамлакат жорий йилнинг май ойидагина ўз истиқлолини расман эълон қилди. Мана, орадан тўрт ой ўтиб, мамлакат жаҳоннинг энг йирик ва нуфузли сиёсий ташкилоти — БМТга аъзо бўлди. Энди Шарқий Тимор ҳам бошқа давлатлар қаторида минтақа ва дунё муаммоларини ҳал қилишда халқаро ҳамжамият билан кенг ва тенг ҳуқуқлилик асосида ҳамкорлик қила бошлайди.



*Ироқнинг пойтахти Бағдоддан 100 километр узоқликда 14-санъат фестивалида бутун дунёдан рақс ижрочилари йиғилишди. Тарихий шаҳар – Вавилонда ўтказилган халқаро фестивалга Ироқ атрофидаги кескинлик ўз таъсирини кўрсатолмади.*

# ЯПОНИЯ ЯНА ДОВУЛЛАР ҚУРШОВИДА

Японияда бу йил анча серёғин келди. Кетма-кет юз берган довул, бўронлардан аҳоли анча азият чекди. Табиий офатлар Япония иқтисодиётига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Илгариги офатлар оқибатлари ҳали бартараф этилмасдан туриб, Японияга яна бир довул ҳамла қилди. Сўнгги эллик йиллик давр мобайнида энг кучли довул дея таъриф этилаётган "Хиго" аҳолини анча саросимага солиб қўйди. У мамлакат пойтахти — Токиогача етиб келди.

Токио шаҳрида довуллар камдан-кам юз беради. Аҳён-аҳёнгина пойтахтда шамол туради. Кучли довулни эса тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Октябрь ойининг илк кунларидаёқ Токионинг ғарбий қисмини довул ўз домига тортди. Пойтахт яқинида жойлашган Чиба шаҳрида бир киши ҳалок бўлди. Йокогамада эса бинолар вайрон бўлди. У ерда ҳам қурбонлар бор.

Аниқланишича, офат натижасида йигирмага яқин одам жиддий жароҳатланган. Шаҳардаги айрим бинолар ва электр алоқаси қисман ишдан чиқди. Довулнинг тезлиги соатига 190 километрни ташкил этмоқда. Иқлимшуносларнинг таъкидлашича, ҳозир довул шимол томон йўл олган. Тез орада у Россияга қарашли Сахалин ва Курилл оролларига етиб боради.

Роса бир ой аввал Окинава оролидаги бўрон туфайли 29 киши ҳаётдан кўз юмган эди. Июнда бўлиб ўтган "Чатан" тўфони эса тошқин келтириб чиқарган ва муаммони янада чигаллаштирганди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, "Хиго" туфайли Япониядаги ортиқча ёғингарчилик миқдори 200 миллиметр кўп бўлиши мумкин. Темир йўл ва ҳаво транспорти фаолиятида узилиш юз бериши эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

**Шаҳноза МАТНАЗАРОВА,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

Террорчилик

## Райд иқрор бўлмоқчи



Ўтган йилнинг декабрь ойида самолётга оёқ кийим ичида портловчи модда олиб киришга уринаётганда ҳибсга олинган англиялик Ричард Райд ушбу ҳаракатларни ёвуз ниятда амалга ошириш учун қилганини бўйнига олишга тайёр.

Айбланувчи адвокатларининг айтишларича, Райд АҚШ томонидан илгари сурилаётган 8 та айбнинг барчасига иқрор бўлмоқчи.

«Рейтер» агентлигининг хабарига кўра, Райднинг адвокатлари «У 2001 йилнинг 22 декабрига оид айбларнинг барча бандларига рози. Айбланувчи унинг оиласига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ошкора суд жараёнидан халос бўлиш ниятида», деган расмий ҳужжат билан чиқишган.

## Сайловлар пайтидаги қўпорувчилик

Ҳиндистонлик Жамму ва Кашмир штатларида амалга оширилган террорчиликлар оқибатида камида 10 нафар киши ҳаётдан кўз юмди.

Ушбу мудҳиш ҳодисалар ушбу баҳсли ҳудудларда ўтказилаётган сайловлар пайтида рўй берди.

«Лента.ру» маълум қилишича, қўпорувчиликлар туфайли сайловчилар сиёсий тадбирда кам қатнашдилар.

Ажиб дунё

## 100 ёшли ҳайдовчи

Флоридада истиқомат қилувчи 100 ёшли киши ўзининг туғилган куни арафасида ҳайдовчи гувоҳномасини узайтириш ҳуқуқини берувчи имтиҳонларни муваффақиятли топширди.

Унинг умумий ҳайдовчилик стажи 83 йилга тенг. У узоқ вақт мобайнида бирон марта ҳам йирик автоҳалокатга учрамаган.

100 ёшли қария ҳар куни 10 соат ухлаши ва эрталаб яхши овқатланиши туфайли бардам-бақувват бўлганини айтган.

«Автоновости.ру»нинг маълумотига кўра, айни пайтда Флорида штатида 90 ёшдан ошган 63000 нафар ҳайдовчи рўйхатга олинган.



**ГВАТЕМАЛА.** *Қутқарувчиларнинг гоҳида ўзларини ҳам қутқаришга тўғри келади. Бу ўт ўчирувчи кучли оқаётган дарёга қулаган автобусдан йўловчиларни қутқариш пайтида фожиа содир бўлди. У оғир аҳволда шифохонага келтирилди.*

**Саҳифа учун масъул: Салим ДОНИЁРОВ.**



Табиий офат

## Кетма-кет довул

Кубанинг ғарбидаги Пинар-дель-Рио провинциясида «Лили» довули олиб келган кучли шамол ва ёмғир натижасида 37000 дан зиёд уй шикастланган, улардан 3000 тага яқинини умуман қайта тиклашга тўғри келади.

«ИТАР-ТАСС» агентлигининг хабарига кўра, табиий офат оқибатида қурбонлар йўқ. Соатига 160 километр тезликдаги шамол ва кучли ёмғир келтирган «Лили» довули бир ҳафта олдин ушбу ҳудудга катта зарар етказган «Исидора» довулидан кейин келди.

«Исидора» 10000 дан зиёд уйга шикаст етказди ва қишлоқ хўжалик инфратузилмасига ҳам зарар келтирган эди.

Яқин Шарқ

## Яна уч ҳафта муҳлат



Фаластин Озодлик Ташкилоти (ФОТ) марказий қўмитаси ўз мажлисида янги ҳукуматни тузиш учун Ёсир Арофатга уч ҳафта муҳлат берди.

Маълумотларга кўра, ушбу қарор Арофат қароргоҳининг Исроил қўшинлари томонидан қамал қилиш давом этаётганлиги туфайли қабул қилинган.

«ИТАР-ТАСС» агентлигининг хабар беришича, ФОТ МК Фаластин мустақил давлати тузилганидан сўнг Бош вазир тайинланиши ҳақида ҳам қарор қабул қилган.

Мунозара

## Шартномалар тан олинмайди

Эрон вакиллари Россия, Озарбойжон ва Қозоғистон давлатларининг Каспий денгизининг тубини бўлиб олиш бўйича шу йил имзолаган икки томонлама шартномаларига қарши эканликларини таъкидлашган.

Эрон ҳукумати вакили Абдулла Рамазон Зода Теҳронда ўтказилган матбуот анжуманида «Каспий денгизнинг минерал ресурсларидан фойдаланишни тартибга солувчи қонунчилик режимидаги ўзгартишларни ушбу сув ҳавзасига чегарадош бўлган беш давлатнинг барчаси маъқуллаши лозим, шунинг учун Эрон ҳеч қандай икки, ҳатто уч томонлама шартномаларни тан олмайди», деди.

«Рейтер» агентлиги маълумот беришича, Каспий денгизнинг тубини бўлиб олиш бўйича мунозаралар совет иттифоқи парчалангандан сўнг пайдо бўлди. Денгиз қирғоқбўйида энг кам чегара линиясига эга бўлган Эрон 1970 йилларда СССР билан тузилган шартномани ўзгартириб, Каспийни беш давлат тенг бўлиб олиши кераклигини билдирмоқда.

Муз кўчиши



## Умид қолмади

Шимолий Осетиядаги Кармадон тоғ дарасида муз кўчиши натижасида бедарак йўқолганлар ҳаёт эканлигига умид йўқ.

Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг жанубий минтақавий маркази бошлиғи Иван Тетерин журналистларга ана шу ҳақда маълум қилган. Унинг айтишича, қутқарувчилар қидирув ишларини давом эттиришади.

«Лента.ру»нинг маълумотига кўра, яқин вақт ичида дарадиги туннелга кириш йўлини очиш учун портлатиш ишлари бошланади.

Ижтимоий ҳаёт




***Лондон метро ходимлари иш ташлаши автомобиль йўлларида тирбандликка сабаб бўлди. Шаҳар марказида ишловчилар иш жойларига пиёда боришга мажбур бўлишди.***

Тиббиёт оламида

## Малярияга даво топилади...ми?

Америка ва британиялик олимлар гуруҳи инсон учун ўта хавфли бўлган малярия турларидан бирининг генетик кодини ечишга муваффақ бўлишди. Бу – бир ҳужайрали организм «Plasmodum falciparum» деб аталади.

Дунёда ҳар 20 сонияда бир боланинг ҳаётига зомин бўлаётган малярия касаллиги ҳақида мақола «Nature» журналида чоп этилган. «Science» журналида эса ушбу касалликни одам танасига киритувчи «Anopheles Gambiae» чивинининг генетик картаси келтирилган. Бу эса ўта хавфли касалликни даволашда самара берувчи дори-дармонларнинг яратилишида ёрдам беради.

